



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY KUTUBXONA PALATASI  
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 9 январь, № 6 (4921)

Шанба

## ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА ЯНГИЛАНИШ корхоналарнинг жадал ривожланишида асосий омилдир

Мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида бугун соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бунда, айниқса, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник ва технологик жиҳатдан янгилаб бораётгани, хорижлик сармоядорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратилгани яхши самара берапти. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот тури ва ҳажмининг ортишида, пировадидида корхоналар фаолиятининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги "Бертекс" масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам сўзимизга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا асосан, мазкур корхонага 234 миллион сўмдан ортқ маблағ ҳисобига эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ўрнатилди. Барча муҳандислик-коммуникация тизимлари тикланиб, ускуналар соз ҳолатга келтирилди. Қолаверса, корхонага "Асака" банк томонидан хом ашё сотиб олиш учун 1471 минг АҚШ доллари миқдоридида кредит ажратилгани айни муддао бўлди.

Эндиликда корхона маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам талаб тобора ортиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилнинг ўн ойи мобайнида бу



Х. ПАЙДОВ олган сурат.

ерда салкам 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг тўқсон беш фоизи экспортга жўнатилди.

Умуман, корхона жамоаси ушбу муваффақиятлар билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Хозирда улар янги инвестор-

ларни жалб этиш, қўшимча қувватларни ўзлаштириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

14 январь — Ватан химоячилари куни

### ҲАРБИЙЛАРГА — ЯНГИ УЙЛАР

Қарши шаҳридаги ҳарбий қисм хизматчилари, кичик командири Элмурод Йўлдошев ҳамда Йўлдош Жумаев хонадонидида Ватан химоячилари куни кўшалоқ байрам сифатида нишонланадиган бўлди. Байрам арафасида янги тураржойга эга бўлган хонадон соҳибларининг қувончи чексиз.

— Юртбошимиз томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани зиммамиздаги масъулиятни ошириб, янада фидойиликка ундайди, — дейди Элмурод Йўлдошев. — Уч фарзандимиз бор. Уларни она-юртга содиқ ўғил-қизлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Ҳарбий кўмондонлик кўмагида Қарши шаҳридан уч хонали тураржой олдик. Бу оиламиз учун Ватан химоячилари куни олдида ажойиб совға бўлди.

(Давоми 2-бетда).

### ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги бошқарув йиғилишида оналик ва болаликни иқтисодий муҳофазалаш, аёлларнинг иқтисодий-сиёсий фаолигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ишлар атрофида муҳокама этилди ва галдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Акбарова бошқарган йиғилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қўрилишидаги фаолигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга юртимизда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнида алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу йўналишдаги ишларни янада янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза этиш борасида аниқ вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан мазкур йўналишда қатор иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонида мувофиқ Ватан химоячиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

### ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ

Шулар қаторида профессионал посбон — сержант Йўлдошбек Абдуллаев ҳам "Шухрат" медалига сазовор бўлди.

Йўлдошбек ёшлигидан тенгдошлари орасида билими, дунёқароши кенглиги билан ажралиб турарди. Мактабни аъло баҳоларга тугатганидан сўнг биринчилардан бўлиб йигитлик бурчи-

ни ўташга отланди. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, командирлари эътиборига тушди. Ҳеч иккиланмасдан ўзи орзу қилган касбни, яъни ҳарбийликни танлади. Мана, бир неча йиллардан буюн Куролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилиб келаётган кичик командир бўлган чинакам профессионал

бўлиб камол топомқда. У Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг ўқув жараёнини таъминлаш батальонида гуруҳ командири вазифасида хизмат қилиб келапти. Интилиш, меҳнат, ўз устида ишлаш, устозлар ўғитига риоя қилиш ҳар қандай кишини, қайси касбда бўлишидан қатъи назар, қўшимча, муваффақиятга етаклайди. Йўлдошбек ҳам билим ва маҳоратда ўз иқтидорини, салоҳиятини намоян қила олган йигитлардан. — Ҳарбийлик касбига ас-

карлик давримдаёқ ҳавас қилгандим, — дейди у. — Миллий армиямиздаги янгилинишлар, юрт посбонлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, офицер ва сержантларнинг ғамхўрлиги, кўнж-чаклиги бу касбни танлашимда асосий туртки бўлди. Шу вақт ичиди соҳамга оид жуда кўп билим ва кўникмаларни эгалладим.

Дарҳақиқат, Йўлдошбек ўқув-машғулотларда касбий маҳорати, ўзига талабчанлиги, билимдонлиги билан сафдошлари, командирларининг ҳурмат-эътиборини қозонди.

(Давоми 2-бетда).

Францияда 90 мингдан ортқ нусхада нашр этиладиган "L'Essentiel des Relations Internationales" журналининг навбатдаги сонидида парижлик журналист Доминик Антуаннинг "Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг туганган ўрни" сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Доминик Антуан:

### АФҒОН МУАММОСINI ҲАЛ ЭТИШДА ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ МУҲИМ РОЛЬ УЙНАМОҚДА

Мақолада асосий эътибор Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш орқали минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласига қаратилади.

"Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов афғон муаммосини бартараф этишда муҳим роль ўйнамоқда", деб ёзади Доминик Антуан.

"Ўзбекистоннинг жанубий чегарадоши бўлган Афғонистондаги бир пайтнинг ўзида ҳам минтақавий хавфсиз-

вишга солаётган яна бир ҳавф, — дея ёзилади Франция нашрида, — Афғонистонда ишлаб чиқарилган гиёҳванд моддалар савдосининг шиддат билан кучайиб бораётганидир. Бугунги кунда афғон опиумининг етиштирилиши 8 минг тоннадан зиёд ёки дунёда ишлаб чиқарилаётган ушбу оғунинг 90 фоизини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, нафақат Афғонистон, балки у билан қўшни давлат-

лардаги террорчи гуруҳлар айланиб келиши билан ҳам афғон муаммоси ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Дунё нигоҳи

лардаги террорчи гуруҳлар айланиб келиши билан ҳам афғон муаммоси ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу ўринда франциялик журналист таъкидлайдики, "Ушбу муаммога қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Президенти афғон масаласини бартараф этишга йўналтирилган бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистон Республикасининг аввалги ва қатъий тақлифи НАТОнинг 2008 йилнинг апрелида Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган саммитида ҳамда ШХТнинг 2008 йил август ойда бўлиб ўтган саммитида ҳам айтилди. Президент Ислам Каримов Афғонистон масаласини курул ишлатиш ва ҳарбий кучларнинг аралашуви билан эмас, балки дипломатия йўли орқали ҳал этиш лозимлигига ишонади. Узоқ давом этган урушлар Афғонистоннинг иқтисодий инфратузилмасини издан чиқарди, унинг аҳолисини энг қуйи даражадаги қашшоқликка гирифтор қилиб, адоватли кайфияти ва радикаллашувини кучайтирди. Шундай экан, аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш ва қашшоқлик масаласини ҳал

қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1993 йилдаёқ БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида халқаро ҳамжамиятга аъзо давлатларни халқаро терроризмга қарши курашиш борасидаги сазой-ҳаракатларни бириктиришга чакиргани ва афғон муаммосини бартараф этиш зарурлигини таъкидлаганди. Шунга қарамай, орадан 15 йилдан ошқроқ вақт ўтган бўлса-да, биз ушбу вазият жиддий тарзда ёмонлашгани ва дунёнинг қатор давлатларини, айниқса, ушбу минтақадаги хавфсизлик ва тинчлик ўрнатилиши ташвишида бўлган қўшни мамлакатларни безовта қилаётганини қайд этишга мажбуримиз".

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### Филтрлар Шаҳрихонда тайёрланмоқда

АНДИЖОН. Шаҳрихон туманида "SDK GROUP AND" корхонаси иш бошлади.

Айни пайтда бу ерда асакалик автомобилсозларга ёнилги, мой, ҳаво филтрлари сингари бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ташкил этилган мазкур корхонага хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. У тўла қувват

билан ишлаб бошлагач, бу ерда бир кеча-кундузда 1500 тагача ёнилги, 5000 мингдан зиёд мой ҳамда 2500 та ҳаво филтрлари тайёрланади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Рақобатбардош маҳсулотлар

НАМАНҒАН шаҳридаги "Истиқболпойабзалсавдо" кичик корхонасига хориждан замонавий тивув машиналари ҳамда гул бошиш дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилгач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ҳамда дизайни тубдан ўзгарди.

Айни пайтда корхонада чет элнинг нуфузли компаниялари маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша оладиган 50 турдаги болалар ва катталар оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

Эътиборли томони, корхона модернизация қилинган, ишлаб чиқариш ҳажми

20 фоизга ўсди. Тугалланган йилда "Истиқболпойабзалсавдо" жамоаси ички бозорга 220 миллион сўмлик маҳсулот чиқарганлиги бунинг тасдиғидир.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА — ЗОТДОР ҚОРАМОЛЛАР

2009 йилнинг тўққиз ойлик якунларига кўра, мамлакатимиз бўйича шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларига қарий

19 минг бош зотдор қорамол сотилди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида жойларда шу мақсадда "Кимошди" савдолари изчил ташкил этилгани ана шундай муваффақиятга эришиш имконини берди.



Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Инқироз қонунбузарликни камайтирган

Бир гуруҳ экспертларнинг таъкидлашича, АҚШда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз қонунбузарликнинг камайишига сабаб бўлган.

Яъни, ўтган йили бу ерда содир этилган жиноятлар сони 2008 йилдаги нисбатан 4,4 фоизга камайган. Изоҳлашчи, юзага келган маблағ тақчиллиги туфайли аксарият фуқаролар асосий вақтларини турли тамаддиҳона ва клубларда эмас, кўпроқ уйларида ўтказишган. Бу эса, ўз-ўзидан, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа турли иллатлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган қонунбузарликнинг камайишига олиб келган.



## Таъминотдан узилиши мумкин

Литва пойтахти Вильнюс шаҳри маъмурияти фойдаланган электр энергияси ҳақини тўламаса, 15 январдан бошлаб таъминотдан узилади.



Гап шундаки, шаҳар маъмурияти "Шарқий тақсимлаш тармоғи" компаниясидан 6 миллион лит (1,74 миллион евро) миқдорда қарз бўлиб қолган. Корхона масъуллари бу борада Вильнюс раҳбариятини бир неча бор оғохлантиришган бўлса-да, уринишлар самара бермаган. Шу боис улар сўнги чора сифатида таъминотни тўхтатишга мажбур эканликларини билдиришган. Агар ушбу муддат ичида маблағ тўланмаса, пойтахт кўчаларида чироқлар ўчади.

## Қўмондон омон қолди

Сомалида мамлакат қуроли кучлари қўмондонига суқасд уюштирилди.

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, у машинасида кетаётганда, радикал гуруҳ томонидан ўрнатилган бомба портлаган. Бахтли тасодиф туфайлигина қўмондон омон қолган. У яқинда мазкур лавозимга тайинланган эди.



## Миссурида бахтсиз ҳодиса

АҚШнинг Миссури штатидаги корхоналардан бирида бахтсиз ҳодиса рўй берди.

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, корхона ходимларидан бири ишончасига келиб, тўсатдан ҳамкасбларига қарата қуролдан ўқ узган. Оқибатда уч киши ҳалок бўлган. Яна беш нафар ходим яраланган.

Мазкур ҳодиса чоғида корхонада 40-50 атрофида одам бўлган. Улардан аксарияти яширинишга улгуришган. Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

## Сабаби аниқ эмас

"Рейтер" ахборот агентлиги маълумоти қараганда, Покистоннинг Карачи шаҳрида кучли портлаш амалга оширилган.

Қурбон бўлган ва жароҳат олганлар борлиги айниликда. Шунингдек, урғунлик натижасида тураржой биносига жиддий зарар етган. Ҳозирча ушбу воқеа сабабларига ойдинлик киритилгани йўқ. Тегишли ишлари олиб борилмоқда.

## Аҳвол яна чигаллашган

Суданда этник келишмовчиликлар юз бермоқда, дейилади "Би-Би-Си" хабарига.

Зиддиятлар мамлакат жанубидаги Тонджди қишлоғида кузатилмоқда. Бу ерда содир бўлган тўқнашувлар оқибатида 150 нафарга яқин одам ҳалок бўлган. Айтиш ўрнига, Суданнинг бу қисмида этник можаролар бир неча йил олдин бошланган. 2005 йилда эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аралашуви билан ҳудудда тинчлик ўрнатилишига эришилган. Аммо 2009 йилга келиб бу ерда аҳвол яна чигаллашган.

## Корхонада портлаш

Хитойнинг Ганьсу музофотидаги кимёвий корхонада портлаш содир бўлди.

Бу ҳақда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида хабар тарқатилди. Кўнгилсизлик Ланьчжоу шаҳри яқинида юз берган. Оқибатда беш нафар ишчи ҳалок бўлган, олти нафари эса тан жароҳати олган. Яна беш кишининг тақдирини номаълум бўлиб турибди. Дастлабки маълумотларга қараганда, фожиа газ сизиб чиқиши туфайли юз берган бўлиши мумкин.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Одам савдоси — инсон қадр-қиммати, оёсайига турмуши ҳамда келажакга таъхид соладиган трансмиллий жиноятлардан бири. Бундай жиноятлар бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ҳам таъсира қолмоқда. Таҳлилларга кўра, ҳар йили 2,7 млн. инсон унинг қурбонига айланмоқда. Инсон эркига даҳл қилувчи бу жиноятга қарши курашиш мақсадида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси тузилди.

Бу кураш бугунги кунда ҳамма жабҳада — мактабда, маҳаллада, оилада, ташкилот ва муассасаларда, ёшларимизнинг ижтимоий хизматлар марказларида давр этмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги салмоқли вазифаларни бажармоқда. Мазкур агентлиkning юридик бўлими бошлиғи Фафуржон СИРОЖОВ билан бўлган суҳбатимиз ҳам ана шу мавзуда — фуқароларимизнинг чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш, ушбу тизим ва унинг механизмининг ҳамда меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш каби масалалар ҳусусида бўлди.

— "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, мамлакатимиз фуқаролари фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидидаги минтақавий бюролар (Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қарши, Нукус) кўмағида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқишга эгадирлар. — дейди суҳбатдошимиз. — Шунингдек, фуқаролар хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатномалар асосида чиқишлари мумкин.

— Муштарийларимиздан тахририятимизга тушаётган мактубларнинг аксариятида улар Агентлиkning асосий фаолияти нима-лардан иборатлиги ҳақида сўрашади... — Агентлик ўз фаолиятида меҳнат миграцияси соҳасидаги халқроқ ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратилиши ҳамда рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш, фуқароларнинг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўйбоғ чикаришида ишга жойлаштириш, фуқароларимизнинг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, хорижий ишчи кучларини ёлповчи чет эл корхоналари, муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, фуқароларга чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиш бўйича Идораларо комиссиянинг қарорлари мувофиқ рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш) каби вазифаларни бажаради.

— Гарчанд шундай бўлса-да, ноқонуний ҳолатлар давр этмоқда, фуқароларимиз ҳамон алдов тузоғига тушиб қолмоқда... — Фуқароларнинг расмий муҳожаатлари ҳамда Агентликда ташкил этилган "Ишонч телефонлари" орқали олинган маълумотларга кўра, махсус ваколатга эга бўлмаган айрим юридик шахслар (тадбиркорлик субъектлари) фуқароларнинг чет элларда ишга жойлаштириш бораида ноқонуний фаолият олиб бораётганлиги ҳолатлари, ҳақиқатан ҳам, мавжуд. Оқибатда фуқаролар бот-бот алданиб, одам савдоси қурбонига айланиб қолмоқда. Биз бундай ноқонуний ҳаракатларга чек қўйиш мақсадида жойларда кенг қўламли тарғибот ишларини йўлга қўйганмиз. — Агентлиkning маълум ходимлари туман (шаҳар)даги Бандликка қўмақлашувчи марказлар меҳнат инспекторлари учун "Одам савдосига қарши курашиш, ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш ва республикамизда фуқароларнинг чет элларда меҳнат қилиш тартиб-қоидалари" мавзусидаги ўқув-семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Утган йил баҳордан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларида ушбу мавзуда мунтазам ўқув-семинар маш-

ғулотлари ўтказилди. Шунингдек, Агентлик вазирлик тасаруфидидаги меҳнат миграцияси масалалари билан шуғулланувчи идоралар "Ишонч телефонлари" ҳамда фуқаролар муҳожаатлари асосида олинган маълумотларни мувофиқлаштириб, тезкор-профилактик чоралар белгиламоқда. Қўриқдаги ҳолатлар юзасидан хўқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тезкор маълумотлар бериб боришмоқда. Масалан, 2009 йилнинг 8 апрелида Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида яшовчи фуқаро Улғубек Зулфинов Агентлиkning "Ишонч телефони"га кўнғироқ қилиб, Гўлчехра Эргашева, Светлана ва Рушана Даяноваларнинг Сурия давлати пойтахти Дамашқ шаҳрига алдаб олиб кетилганлиги, ҳозирда улар мушук аҳволда қолганлиги ҳақида хабар берди. Агентлик томонидан билдирилган тавсияларга кўра, Г. Эргашева ва Даяновалар шу куннинг ўзидек Дамашқдан Агентликка телефон қилишган. Тошкент шаҳрида яшовчи, тураржой номаълум бўлган Гузал Шанова деган шахс Иорданияга ишга жойлаштириш деб, алдов йўли билан уларни Сурияга ноқонуний олиб бораганини, Г. Шанованинг ўзи Ўзбекистонга қайтиб кетганлиги ҳамда унинг телефон рақамларини айтишган. Агентлининг кескин чора-тадбирлари натижасида фуқаролар Г. Эргашева, С. Даянова ҳамда Р. Шановага Ўзбекистонга қайтиб келиши. Фуқаро Г. Шановага нисбатан ҳўқуқ-тартибот идоралари томонидан жиноий иш қўзғатилган.

## Оғохлик

нида ўтказилган тест сивовлари натижаларига кўра, 12 908 нафар фуқаро тест сивовларидан муваффақиятли ўтган ва маълумотлар базасига олинган. Шундан 4268 нафар фуқаро ўрналарини тартибда Корея Республикасига юборилган.

## Тест сивовидан ўтган номзод, албатта, Кореяга ишга кетадими?

— Йўқ. Фуқаронинг тест сивовларидан муваффақиятли ўтганлиги уни Кореяда иш билан таъминланганига қаролат бериб қўймади. Чунки тест сивовларидан ўтган фуқаролар рўйхати Корея Меҳнат вазирлиги томонидан иш беришларига тақдим этилади. Уш навбатда, иш бериши ишчининг ишбўйичи таълим ва иш билан таъминланган меҳнат шартномасини юборади. Тест сивовларидан муваффақиятли ўтган фуқаролар Корея Меҳнат вазирлигининг маълумотлар базасида (тест ўтган вақтдан эътиборан 2 йил мўбайида) сақланади. Аникроғи, бу муддатда фуқаро иш изловчи сифатида рўйхатда туради. Шунингдек, тест сивовларидан ўтган фуқароларнинг Корея томони эркин ҳал этади. Келгусида тест сивовларини ўтқа-

## Мамлакатимиз раҳбарининг Корея Республикасига расмий ташрифидан кейин иккала давлат ўртаси

## даги алоқалар, жумладан, ташқи меҳнат миграциясига оид ҳамкорлик янада кучайди. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, шундай. 2006 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш (эркин ёллаш тизими) тўғрисидаги ўзаро тушуниш Меморандуми имзоланган. Меморандумга мувофиқ, номзод-

лашнинг ичма ва соддалаштирилган муқобилларини танлаш, яъни Интернет орқали амалга ошириш чоралари қўрилмоқда. Бу эса фуқаролар томонидан билдирилган турли эътирозлар ва муҳожаатларнинг кескин камайишига олиб келди.

## Меҳнат миграцияси масаласида бошқа давлатлар билан ҳам ҳамкорлик қилинаптими?

— 2007 йил 4 июлда "Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Россия Федерацияси Хукумати ўртасида Россия Федерациясидagi Ўзбекистон Республикасига фуқаролари

томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва икки давлат ўртасида Битим имзолаш бўйича таклиф олинган. Меҳнат миграцияси соҳасида ўзаро ҳамкорлик бўйича Малайзия, Сингапур, Қатар, Уммон султонлиги, Саудия Арабистони, Италия, ГФР, Канада каби қатор давлатларнинг ҳам таклифлари мавжуд.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат контрактлари бўйича ўзаро ҳамкорлик бўйича фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг хусусий контрактлар бўйича чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан белги-ланган шаклга мувофиқ бериладиган рухсатномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

## Хорижда ишлаш — истигани билдирган фуқаронинг ижтимоий муҳофаза қилиш, унинг меҳнат ҳуқуқини таъминлаш янада яхши-лаш бўйича қандай иста-так ва таклифларингиз бор?

— Назаримда, энг аввало, фуқароларнинг хусусий меҳнат контрактлари бўйича чет элларда ишлаш учун Агентликка тақдим этилган ҳужжатлари ва айти пайтда уларни Идораларо комиссияда кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини янада соддалаштириш лозим бўлади. Чет элларда ишлаётган фуқароларимизнинг ижтимоий, моддий, ҳўқуқий ва маънавий муҳофазасини таъминлаш мақсадида Агентлиkning хориждаги вакиллари масаласига жиддий эътибор қаратиш лозимга ўхшаيدди. Чунки Агентлик уларнинг меҳнат фаолияти мониторингини Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали амалга ошириш даркор. Агентлик вакилликнинг ташкил этилиши эса чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларимизнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Хуллас, биз амалга ошираётган ва мақсад қилаётган ишларимизнинг ибтидоисид ҳам, интихосида ҳам, аввало, инсон манфаатлари ётади. Зеро, бу одам савдоси деган иллат ер юзини қамраб олаётган бир пайтда давл-додлар ва аҳамиятлидир. Шунинг учун бу иллатга қарши кураш ва унинг олдини олиш учун жонийтиш ҳар биримизнинг кўнглик вазифамизга айланиши зарур. Шундангина биз фуқароларимизнинг йўлини тўсган, фуқароларимиз Ватандан узоқларда кимиларга алданиб, хору эру бўлишларининг олдини олган, энг муҳими, қўнларимизнинг ҳаётимиздаги ҳақиқий ижросига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Алишер БОЛИЕВ суҳбатлашди.

## КАСАНАЧИЛИК КЕЛТИРГАН ДАРОМАД

Вобкентлик Хушвақт Ражабовнинг қўлида гулдай ҳунари бор. Тикувчи. Мана бир неча ойдинки, у туман марказидаги "Пахтаसानоттўқимачи" маъсулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган касаначилик марказида ишлаяпти. У билан суҳбатлашсангиз, ишидан мамнунигини пайқайсиз.

— Маърифат Файзуллаева, Ҳади Йўлдошева, Лайло Эсонова сингари ҳамкасбларим билан шу ерда касаначилик сифатида ишлаяпмиз, — дейди у. — Бу усулда ишлаш жуда қулай. Биз учун алоҳида бино, тикув машиналари ажратилган. Ишчи қўлқоплари, камзуллар, кўрна-тўшак тикияпмиз. Корхона буюртмаларини вақтида сифатли қилиб бажараяпмиз. Касаначиликдан ҳар ойда 140-150 минг сўм ишлаб, рўзгоримизга наф келтираяпмиз.

Гап касаначиликнинг ўз атрофида бирлаштираётган ўзига хос кичик жамоналар ҳақида борар экан, Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи қошидаги "Касаначилар маркази" фаолиятини алоҳида тилга олиш жоиз. Бу ерда 313 та касаначи иш ўрни ташкил этил-

ган. Уларга корхона томонидан зарур хом ашё ва буюртмалар берилмоқда. Қувонарлиси, касаначиларга дурустгина иш ҳақи тўланапти.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотларига қараганда, касаначиликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Ҳозир туманларда "Касаначилик марказлари" фаолияти йўлга қўйилган. Жами 688 та корхона ва ташкилотда касаначиликни ривожлантириш орқали 7325 та янги иш ўрни ташкил этилиб, бу борада кўзда тутилган йиллик режа 102,1 фоизга бажарилган.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Интилиш

Уларга корхона томонидан зарур хом ашё ва буюртмалар берилмоқда. Қувонарлиси, касаначиларга дурустгина иш ҳақи тўланапти.

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»

ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАЗАКА». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00. моб. (+998 93) 547-48-73, (+998 90) 995-19-99. e-mail: seidou2006@yandex.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби жамоаси кафедра муdiri, юридик фанлари доктори, профессор Комил Қаюмович Рашидовга волидаи муҳтарамаси

ГУЛЧЕХРАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти жамоаси институт сектори собиқ муdiri, иқтисод фанлари доктори, профессор

Раҳмон Ражабович РАДЖАПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси рухсатномалар бўлими бошлиғи Парвизжон Шариповга палари бузруквори

Ҳамиджон ШАРИПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«FORMULA-1» АВТОДУКОНИ

сизга қуйидагиларни таклиф этади:

Автомобиль эҳтиёт қисмлари R12 дан R17 гача бўлган автосиналар 35W дан 200W гача бўлган аккумуляторлар Мотор мойлари Трансмиссия мойлари Автомобиль ҳиқозлари Автомобиль ойналари Автомобиль бўёқлари Автомобиль дисклари Электродлар

МАКСУЛОТ СЕРТИФИКАТ-ЛАНГАН.

Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.

Домий мижозларга совғалар.

Manzilimiz: Toshkent sh., Katorol k., 50-«B» uy. Mўljal — «Katorol savdo markazi» qarshisida. Tel.: (+99871) 150-62-20, (+99898) 304-13-12. Fax: (+99871) 278-06-83. E-mail: avto-formula1@mail.ru

Ташкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касба уюшма қўмитаси Иқтисодиётда ахборот тизими кафедраси доценти Шароф Хошимқоджаевга волидаи муҳтарамаси

ТУРГУНОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

МАДАНИЯТ хабарлари



Саҳнада янги асар

Абдулҳамид Маждий номдаги Каттакўрғон давлат драма театри ижодий жамоаси танкили ёзувчи Тоҳир Малик қаламига мансуб "Алвидо, болалик" асари асосида "Заҳарли томчилар" драматик саҳналаштирилган...

Спектаклдаги асосий ролларни театрдан Д. Қодиров, А. Қаршибоев, Қ. Ҳасарова сингари етакчи ижодкорлари ижро этишмоқда. Мазакур саҳна асарига ёшларнинг гибоҳандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келётган "оммавий маданият"нинг турли иллатлари ва зарарли таъсирлари билан ҳимоя қилиш масаласи саҳна кўрсатишлари орқали очиб берилган.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Болажонларга совға

Юсуфжон қизик Шакаржонов номдаги Фарғона вилояти мусиқали драма театри жамоаси қишқи таътилда болажонларга ажойиб совға тайёрлади.

Театр ижодий жамоаси драматург Сайдали Одилқовнинг "Насриддин Янги йилда" деб номланган асарини саҳналаштирди. Болажонлар мазакур саҳна асарини катта қизиқиш ва мароқ билан тўғрида қилишмоқда.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро танлов совриндори

Қорақалпоғистон эстрадасининг иқтидорли кўшиқчиси Караматдин Хитжанов Молдова пойтахти Кишинев шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловда муваффақиятли иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Қизғин ва қизиқарли ўтган танловда К. Хитжанов "Гурўғли" дostonидан "Нигорим" кўшигини маҳорат билан ижро этиб, тингловчиларнинг олқиш ва эътирофига сазовор бўлди.

Айтиш лозимки, ушбу санъаткорлар баҳсида Россия, Украина, Беларусь, Болгария, Руминия каби ўнлаб мамлакатлардан санъаткорлар иштирок этди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эътибор берган бўлсангиз, аждодларимиз қолдирган маънавий мерос моҳияти, улар яратган асарлар, таълимотлар мазмунини кўпроқ инсонни қишлоқликка, етуқликка, гузал ахлоқий фазилатларга ундовчи панднасихат, одоб ва ахлоқ доирасидаги эзгу ҳикматлар ташкил этади.

Маълуки, ҳар бир давлат қонунлар доирасида яшайди. Аммо шу билан бирга, маълум бир халқ, миллатга хос ёзилган ахлоқий қонунлар ҳам бўлади, гоҳида уларга амал қилиш ҳақиқат томонидан қонунга нисбатан кўпроқ тарғиб ва назорат қилинишидан хайратга тушамиз. Мисол тариқасида айтсак, юртимизда ота-онаси қишига салом бермай қирадиган, отасини ўтирган ҳолатда қаршилайдиган бирор бир фарзанд топилмас экан. Бу қонунга қатъан ҳам, қишлоқ ҳам бирдай риоя қилади. Умуман, турмуш тартибимизда бу каби ахлоқий қонунлар жуда кўп. Шу боис, уларни қўлингизда "шарқона ахлоқ кодекси", деган ибора билан ҳам атайтимиз.

Бинобарин, инсон ҳаёти давомида асарлар оша нақшу жўлсини йўқотмаган одоб қонунлари асосида ўзини бошқариш, домий камолотга етилади. Таъбир жоиз бўлса, бу нури бир доирага ўқийди. Бу доирадан четта чиққанини, адабий қўлнинг ёки бошқа таъсирлар туфайли ўзинингдан айрилиши мумкин.

Бугун айрим олд-қўнчи, ваҳшийлик ақл этган "асар"ларни ўқиганда, беҳиштер "Эй биродор, авасовани бас қилинг, ахир адабийнинг асосини одоб ташкил этиши керак эмасми?" дегингиз келади. Бинобарин, ҳар қандай баъдий асар инсон камолотига хизмат қилиши керак. Тўғри, гоҳида адабий беадабдан ўрганиш ёки ёмонликни қўриб яши бўлиш мумкин. Лекин бу барча ахлоқий қонунларни бузиб ташлаш кераклигини аниқлашмайди. Афсуски, бугун айрим ахлоқсизлик аниқ қилиб турган "қисса" ва "хўя"ларни ўқиб ёқа ушлашган. Бундай "асар"лар ҳақиқатини хос бўлган шариҳ, ибод, номус, ифрат, сadoқат ва вафо деган муқаддас тушунчаларга даразга етказиш. Айнакча "сарк матбуот"да бирининг устига бири ёпирилиб бошлаётган "сервиз" ҳижожа кўрсалар ёшларимизни қалитгаётганидан қаттиқ ранжитган. Тўғри, бу ҳижожа ва қиссаларда қандайдир маънода адолат галаба қозонади. Аммо тубонлигини туффа қўришилар мароқ ва ҳажон билан тасвирланиши, уларга нисбатан зиндан хайрихоҳликни ўқувчиларга сим-диршига уриштириш кишини сескантиради. Мақсад нима? Газета ва журналларнинг тиражини шу йўл билан қўлайтириш мўмай дарамад топишни ёхуд ёшларимизда "енгил-епли" шай манзараларга ҳавас ўйотганими?

"Ур-йикит, олди-қўнчи нарсаларни ёзмасак, бизни одамлар ўқимайди", дейди аниқ шундай газеталарнинг муҳаррирлари.

дан бири. "Нега газета чикариш учун етарли малакага эга эмаслигини, нуноқлигини тан олгинг келмайди, биродар?! Уч-тўрт тангани бошка жойдан ҳам топиш мумкин-ку?!" Наҳотки, фойда деб буни унутган бўлсанг, тушунгинг келмаса? Қолаверса, Истиқлолимиз йилларида

МАЪНАВИЯТНИНГ МЕЗОНИ — ОДОБ

амалга оширилган оламшумул янги-ланлишлар ҳаётимизнинг кеначани-кеча, қундузини-қундуз демай ҳар қандай говларга тўсиқларни енгиб меҳнат қилгани, халқимизга, давлатимизга, келажагимизга мислсиз ман-фаатлар келтиргани хусусида ҳижо-ялар, қиссалар, новеллалар, очерклар ёзишга ижодкорларни ундаб, ёшларимиз эътиборига ҳавола қилиш қийин ишми? Қўйилмақом қилиб ўғри тақдирини ёритган қаламқаш, виждонига қўлоқ тутиб, оддий бир қишлоқда шифокор бўлиб, одамлар дардига малҳам қўётган, газ қувурларни саҳролардан тортиб келётган, пахтасини бо-ламаб йил-йил икки ой даладан чиқ-маган қамтирган, аммо буюк инсон десга арзийдиган замондошларимиз ҳақида ёзганмишми? Э, бу каби-ларни ҳеч қим ўқимайди деганлар-ни, ҳудо урди-ку ахир.

Мутафаккир шoirимиз Алишер Навоий дейди: **Эмон сўзки келиб жонга урғай, — Ки жондин ҳам утиб, ниймонга урғай.** Бугун четдан кириб келётган, халқимиз, хусусан, ёшларимиз кўнглини забот этишга қаратилган маънавий таъдирлар, уларнинг тур-ли қўришларига қўл қовуштириб ўтириш ўзининг ёмонлик тилашдан бошқа нарса эмас. Юртбошимиз-нинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобларида шундай дейилади:

"Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънода арқин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан ру-

ҳий дунёсини издан чикариш мақса-дини кўзда тутидан мафқуравий, говий ва информацион журужларни назарда тутиш лозим..."

Учрашувлардан бирида ўртага савол ташлади: — 14 феврал қанақа кун? — "Севишганар кунин!" — Хўш, яна қанақа кун? — ...

Жавоб йўқ. Ваҳоланки, 14 фев-раль Заҳриддин Муҳаммад Бобур-нинг таваллуд кунини. Қаранг, баъзи юрдошларимиз онгидан чинакам маънода қалби ёрга, ота-онига, син-глиси, фарзанди, юртга меҳр-му-ҳаббатни тўлиқ бир сиймо унутиб, ўрнига биз учун бегона "авлиё"-

си, қўнглининг абадий қўшиғи. Шун-дай экан, уни ўйинчоққа айланти-риб, навбатдаги қўнғилочар "шоу" сифатида нишонлаш — унинг асл мо-ҳиятини қўлғили ахволга солиб қўймасмикан. Ҳар нечук, Бобур Мир-зонинг ўрнига Авлиё Валентинни ёшларимизга рўбарў қилмоқчи бўла-ётганлар шу ҳақда ўйлаб қўрсалар, ҳовлиқининг ҳам зарари борлиги-ни тушуниб қолсалар, ажаб эмас.

Ёшларимизнинг одоб-ахлоқини шакллантиришда санъатнинг, хусусан, эстрада йўналишининг ўрни беқийс. Ёшларни гузаллик ва эзуқликка, му-глиси, фарзанди, юртга меҳр-му-ҳаббатли, ота-онига ҳурмат, дўстга сadoқат каби меҳрга ундайдиган бе-

— Асосан, 14-18 ёш атрофидаги-лар. — Узингизнинг ҳам шу ёшдаги фар-зандларингиз борми? — Ҳа, бор. — Уларга ҳам олиб бориб бе-расизми? — Йў-е, ҳудо сакласин! Ажабо, наҳотки, бу аёл ўзи тарка-таётган, ахлоқсизликни тарғиб қилу-чи бу газеталар эртага унинг воғга етмаган қизи ёки ўғлининг қўлига то-ғуша қилиши мумкинлигини ўйлама-са?

Маълум бир халқнинг қичкина бир маънавий йўқотиши ҳам ўша халқ учун келгусида катта муаммолар кел-тириб чикариши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг эътиборига берганда, давлатлар мисолида қўриб турибмиз. Дунёнинг айрим давлатларида яра-тидан қўриб туришга мўйил, ҳаёт мо-ҳиятини фақат айш ишратдан ибор-ат, деб билдирган ёшлар пайдо бўлмақда.

Бундан ташқари, табиийлик, ҳар бири таълим-тарбияси борадиги ёшларимизнинг самарадорлиги қан-чалар муҳим аҳамиятга эга эканини тереб тушунамиз. Тўғридаб утганимиздек, бугун-ги кунда фарзандларимизнинг маъ-навий оламини юксалтириш, улар-ни миллий ва умуминсоний қадри-ятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим ва-зифа бўлиб турибди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллигига ба-ғишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътиборимизни қаратди: "Жозир мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзалигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил журужлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратил-ган гаврали интилишлар тобора ку-

таси. Бунинг эътиборига берганда, давлатлар мисолида қўриб турибмиз. Дунёнинг айрим давлатларида яра-тидан қўриб туришга мўйил, ҳаёт мо-ҳиятини фақат айш ишратдан ибор-ат, деб билдирган ёшлар пайдо бўлмақда.

Бундан ташқари, табиийлик, ҳар бири таълим-тарбияси борадиги ёшларимизнинг самарадорлиги қан-чалар муҳим аҳамиятга эга эканини тереб тушунамиз. Тўғридаб утганимиздек, бугун-ги кунда фарзандларимизнинг маъ-навий оламини юксалтириш, улар-ни миллий ва умуминсоний қадри-ятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим ва-зифа бўлиб турибди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллигига ба-ғишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътиборимизни қаратди: "Жозир мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзалигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил журужлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратил-ган гаврали интилишлар тобора ку-

таси. Бунинг эътиборига берганда, давлатлар мисолида қўриб турибмиз. Дунёнинг айрим давлатларида яра-тидан қўриб туришга мўйил, ҳаёт мо-ҳиятини фақат айш ишратдан ибор-ат, деб билдирган ёшлар пайдо бўлмақда.

Бундан ташқари, табиийлик, ҳар бири таълим-тарбияси борадиги ёшларимизнинг самарадорлиги қан-чалар муҳим аҳамиятга эга эканини тереб тушунамиз. Тўғридаб утганимиздек, бугун-ги кунда фарзандларимизнинг маъ-навий оламини юксалтириш, улар-ни миллий ва умуминсоний қадри-ятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим ва-зифа бўлиб турибди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллигига ба-ғишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътиборимизни қаратди: "Жозир мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзалигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил журужлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратил-ган гаврали интилишлар тобора ку-

таси. Бунинг эътиборига берганда, давлатлар мисолида қўриб турибмиз. Дунёнинг айрим давлатларида яра-тидан қўриб туришга мўйил, ҳаёт мо-ҳиятини фақат айш ишратдан ибор-ат, деб билдирган ёшлар пайдо бўлмақда.

Бундан ташқари, табиийлик, ҳар бири таълим-тарбияси борадиги ёшларимизнинг самарадорлиги қан-чалар муҳим аҳамиятга эга эканини тереб тушунамиз. Тўғридаб утганимиздек, бугун-ги кунда фарзандларимизнинг маъ-навий оламини юксалтириш, улар-ни миллий ва умуминсоний қадри-ятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим ва-зифа бўлиб турибди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллигига ба-ғишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътиборимизни қаратди: "Жозир мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзалигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил журужлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратил-ган гаврали интилишлар тобора ку-

таси. Бунинг эътиборига берганда, давлатлар мисолида қўриб турибмиз. Дунёнинг айрим давлатларида яра-тидан қўриб туришга мўйил, ҳаёт мо-ҳиятини фақат айш ишратдан ибор-ат, деб билдирган ёшлар пайдо бўлмақда.

Бундан ташқари, табиийлик, ҳар бири таълим-тарбияси борадиги ёшларимизнинг самарадорлиги қан-чалар муҳим аҳамиятга эга эканини тереб тушунамиз. Тўғридаб утганимиздек, бугун-ги кунда фарзандларимизнинг маъ-навий оламини юксалтириш, улар-ни миллий ва умуминсоний қадри-ятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим ва-зифа бўлиб турибди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллигига ба-ғишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътиборимизни қаратди: "Жозир мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзалигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил журужлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратил-ган гаврали интилишлар тобора ку-

таси. Бунинг эътиборига берганда, давлатлар мисолида қўриб турибмиз. Дунёнинг айрим давлатларида яра-тидан қўриб туришга мўйил, ҳаёт мо-ҳиятини фақат айш ишратдан ибор-ат, деб билдирган ёшлар пайдо бўлмақда.

Бундан ташқари, табиийлик, ҳар бири таълим-тарбияси борадиги ёшларимизнинг самарадорлиги қан-чалар муҳим аҳамиятга эга эканини тереб тушунамиз. Тўғридаб утганимиздек, бугун-ги кунда фарзандларимизнинг маъ-навий оламини юксалтириш, улар-ни миллий ва умуминсоний қадри-ятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим ва-зифа бўлиб турибди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллигига ба-ғишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътиборимизни қаратди: "Жозир мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзалигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил журужлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратил-ган гаврали интилишлар тобора ку-

таси. Бунинг эътиборига берганда, давлатлар мисолида қўриб турибмиз. Дунёнинг айрим давлатларида яра-тидан қўриб туришга мўйил, ҳаёт мо-ҳиятини фақат айш ишратдан ибор-ат, деб билдирган ёшлар пайдо бўлмақда.

Бундан ташқари, табиийлик, ҳар бири таълим-тарбияси борадиги ёшларимизнинг самарадорлиги қан-чалар муҳим аҳамиятга эга эканини тереб тушунамиз. Тўғридаб утганимиздек, бугун-ги кунда фарзандларимизнинг маъ-навий оламини юксалтириш, улар-ни миллий ва умуминсоний қадри-ятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим ва-зифа бўлиб турибди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллигига ба-ғишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътиборимизни қаратди: "Жозир мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзалигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил журужлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратил-ган гаврали интилишлар тобора ку-

Буюк ўтмишимиз

Тарихий ёдгорликлар халқнинг буюк ўтмиши, боқий анъана ва қадриятлари, миллий ўзига хослигидан дарак беради. Шу боис мамлакатимизда музейлар фаолиятини янада яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни талабчанлик билан жиҳозлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги Қонуни бу борада асосий дастуриямал бўлиб хизмат қилапти.

Бухоро давлат баъдий-мёморчилик музей-қўриқонасида ҳам мазакур ҳужайи-мёморий ҳуж-жатларда белгиланган вазифа-ларга мувофиқ, изчил сайё-ҳара-катлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда музей-қўриқонамиз 12 та филиалга эга. Биноларни таъмир-лаш, янги қўرғазма-...

Мерос

карвонсарой, 39 та мадраса, археологик аҳамиятга эга 8 та те-палик, 264 та қадимий уй-жой би-носи ва 32 та монументал санъ-ат ёдгорлиги давлат муҳофаза-сига олинган. Бухоролик алломалар битган китоблар, ҳунармандлар тайёрла-ган сержилло буюмларни ҳозир ҳам жаҳоннинг қўлпаб мамлакат-ларида учратиш мумкин. Хусусан, Рим, Париж, Вашингтон, Сток-гольм, Берлин, Санкт-Петербург каби йирик шаҳарлар музейлари экспозицияларини Бухоро кол-лекциялари бебаз турибди. ЮНЕСКО эътирофига, Бухоро Мисрадаги Мемфис некрополи, фиръавнлар дафн этилган эҳром-лар, Римнинг тарихий маркази, Афина акрополи, Хива қадимий мажмуи каби жаҳон маданий ме-роси сафига киритилган тарихий шаҳарлар сирасидандир. Бухоро-нинг неча минг йиллик тарихи ҳамда асарлар давомида бу ерда вужудга келган ҳақиқат ва ижтимоий тарихнинг барча жи-ҳатларини қамраб олувчи манба-лар, моддий буюмлар шундан да-лолат беради.

Р. АЛМЕЕВ, Бухоро давлат баъдий-мёморчилик музей-қўриқонаси бош директори.

Гўзал куй, хушнавонинг киши руҳиятига таъсири беқийс. Зотан, ёш авлод қалбига эзгу ҳислар шаклланишида санъат ва мусиқага меҳр қўймоқлик муҳим аҳамият касб этади.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

Ушбу ҳужжатда белгилан-ган вазифарларга мувофиқ, ёшларимизнинг миллий му-сика санъатимиз, жаҳон му-тмос мусиқаси ҳамда та-свири санъатининг бетақор-мануаларида кенг бахра-манд бўлиши учун шарт-шар-оит яратиб, бошланғич му-сикий таълимни тубдан та-қомиллаштириш, болалар муси-ка ва санъат мактаб-лари фаолиятини янада ри-вожлантириш, ушбу ўқув масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкам-лаш кўзда тутилган.

Бугун бу каби хайрли сайё-ҳаракатлар ижобий самара бераётир. Хусусан, замонавий шариотлар билан таъминланган Мусиқа ва санъатта итхисослашти-рилган Республика мактаб-интернатда таълим олаёт-ган иқтидорли ўғил-қизлар халқор миқёсдаги нуфуз-ли танловларда фахрли ўринларни қўлга ки-ришти-моқда. — Утган 2009 йилда 20 на-фарга яқин ўқувчимиз халқо-ро қўрик-танловларда фоли-бол шохсупласига кўтарилди, — дейди мактаб-интернат ди-ректори ўринбосари Қадам-бай Исмоилов. — Бу, албат-та, юртимизда Истиқлол йил-ларида ёш авлод таълим-тар-биясига қаратилётган юксак эътибор, фарзандларимиз-нинг пухта билим олиши учун яратилган шарт-шариотлар натижасидир. Ўқув маскани-



мизда мусиқанинг найли ва зарбли қолуглар йўналиш-лари ҳамда санъатнинг рассо-лик, ҳайкалдорлик, ганч-корлик, ўймакорлик, сухан-

кат вақиллари орасида Шо-мур Усубжонов фахрли би-ринчи ўринни, Жаҳонгир Файзуллаев эса учинчи ўри-нини эгаллади. Бундан ташка-ри, Қозоғистон пойтахти

Остона шаҳрида бўлиб ўтган ёш мусиқачиларнинг 5-халқо-ро қўриғига 5 нафар ўқу-чимиз иштирок этган бўлса, улардан тўрттаси танлов ла-уреати бўлиб қайтди. Албатта, бундай натижа-ларга ўз-ўзидан эришилган-ни йўқ. Эеро, мактаб-интер-натда ўқувчиларнинг мада-ний савияси ва мусиқий истеъ-додини юксалтириш бо-расида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда ёшларнинг юксак савияда

Минжориддин МИРЗО, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари.

Спорт Sport Спорт ОҚГУЛ ЯРИМ ФИНАЛДА

Ўзбекистоннинг биринчи рақами теннисчиси Оқгул Омонмуродова 2010 йилги мавсумни муваффақиятли бошлади. Ҳамюртимиз Брисбан (Австралия) шаҳрида давом этаётган WTA туркумида, муқофот жағмараси 220 миан АКШ долларига тенг бўлган халқор турниринг жуфтлик баҳсида тайванлик Чан Юн-Ян билан биргаликда ярим финалга йўланма олди.

Зарбдор туманида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида тарбияланаётган қизлар ўртасида волейбол бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди. ЗАРБОРЛИК ҚИЗЛАР ҒОЛИБ

Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги Бо-лар спортини ривожлантириш жағмараси соврини учун ўтказилган бешашувда мамлакатимизнинг турли вилоятларида келган 20 га яқин жамоа иштирок этди. Мурросаси курашлар олдига келган тур-

ОБ-ҲАВО (9 январь)

Қорақалпоғистон Респу-бликаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчи-лик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 9-14, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнгарчилик қутилмайди. Ҳарорат ту-нда 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 да-ража илик бўлади. Туман тушади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида эса кечаси 9-14, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сир-дарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб тура-ди, ёнгарчилик қузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кун-дузи 0-5 даража илик бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб тура-ди, ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат ту-нда 4-6 даража совуқ, кундузи 1-3 да-ража илик бўлади. "Ўзгидромет" маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-55-45; Котибхона 233-10-28; Ўзгалоҳ 236-09-25. ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлималар таҳрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Манзилнинг: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — А. Қаримов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусоҳаҳчи — Ш. Машраббеов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.30 1 2 3 5